

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 28-29-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (216-217)
ТЎПЛАМИ 2006 й.
ИЮЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

258. «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 июлдаги ЎРҚ-40-сон Қонуни
259. «Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 июлдаги ЎРҚ-41-сон Қонуни
260. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ-42-сон Қонуни
261. «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ-43-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

262. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар

- киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 июлдаги ПФ-3771-сон Фармони
263. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 июлдаги ПФ-3772-сон Фармони
264. «2006—2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сон қарори
265. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июлдаги ПҚ-410-сон қарори
266. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 4 августдаги 331-сонли қарорига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-415-сон қарори
267. «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сон қарори
268. «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сон қарори
269. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ-262-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-422-сон қарори

Учинчи бўлим

270. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги 74-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июлдаги 133-сон қарори [Кўчирма]
272. «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори
273. «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 июлдаги 139-сон қарори

274. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш тўғрисида» 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 144-сон қарори

Бешинчи бўлим

275. «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномага қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 19 июндаги 56-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 7 июлда 1560-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

276. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 8 июндаги 48, 29-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 июлда 1102-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

277. «Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2006 йил 22 майдаги 2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 июлда 305-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

278. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 64, 2006-31-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 июлда 1446-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

279. «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 26 июндаги 61-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 июлда 1231-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

280. «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (БҲМС 20-сонли)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 14 июндаги 51-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 июлда 879-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

281. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тушуми бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини

- тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 20 июндаги 54, 2006-28-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1594-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
282. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
283. «Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини аккредитация қилиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2006 йил 10 майдаги 157-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1596-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
284. «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг 2006 йил 19 июндаги 517-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июлда 1597-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
285. «Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини Давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг 2006 йил 12 июндаги 50, 01-12/8—8, НН-01/10-3424-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июлда 1148-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
286. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15-июнь 13/8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июлда 1122-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
287. «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга rioя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14 июль 16/7-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 июлда 1598-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 8 июлдан 21 июлгача бўлган маълумот

Тузатиш

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

258 Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 23 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қуйидаги шартлар инобатга олинган ҳолда қўшилисин:

1) **Баённоманинг 5 (2) (b) моддасига тааллуқли:** «Ўзбекистон Республикаси халқаро рўйхатдан ўтган белгини муҳофаза билан таъминлашни рад этиши тўғрисида Халқаро бюронинг белгини Баённоманинг 3^{ter} моддасига мувофиқ муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ҳақидаги билдиришномаси олинган санадан бошлаб 18 ойдан кечиктирмасдан Халқаро бюрога маълум қилди»;

2) **Баённоманинг 8 (7) (a) моддасига тааллуқли:** «Ўзбекистон Республикасида Баённоманинг 8-моддасида назарда тутилган қўшимча ва қўшилган божлардан ажратманинг бир қисми ўрнига талабнома берувчидан ёки халқаро рўйхатдан ўтказилган белгининг эгасидан белгини муҳофаза қилишга тааллуқли бўлганлик ёки халқаро рўйхатдан ўтганлик муддатини узайтириш тўғрисида халқаро талабнома берганлик учун яқка тартибда бож белгиланади ва ундирилади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
ЎРҚ-40-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 19 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

259 Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 23 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
ЎРҚ-41-сон

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

260 Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 23 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 19 июлда эълон қилинган.

** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 21 июлда эълон қилинган.

2-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

асар нусхаси — асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

асарни омма олдида намойиш этиш — асарнинг асл нусхаси ёки нусхасини бевосита ёхуд плёнка, диапозитив, телевизион кадр ёрдамида ёки бирон-бир бошқа техника воситалари орқали экранда кўрсатиш, шунингдек аудиовизуал асарнинг айрим кадрларини уларнинг кетма-кетлигига риоя этмасдан омма учун очиқ жойда ёки айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда кўрсатиш;

асарни ошкор қилиш — муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат;

аудиовизуал асар — бир-бири билан боғланган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб (овоз жўрлигида бўлганида) идрок этиш учун мўлжалланган асар, шу жумладан дастлабки ёки кейинги қайд этиш усулидан қатъи назар кинематография асарлари ва кинематографияниқига ўхшаш воситалар билан ифодаланган барча асарлар (теле- ва видеофильмлар, диафильмлар, слайдфильмлар ҳамда бошқа асарлар);

аудиовизуал асарни тайёрловчи — шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

барчанинг эътиборига етказиш — асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари орқали телекоммуникация тизимларидан фойдаланувчилар ўз танловига кўра исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибори учун юбориш;

барчанинг эътибори учун юбориш — асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, шунингдек уларни юбориш жойида вакиллари бўлмаган омма эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиши учун, шу тарзда эшитиш ёки кўриш мумкин бўлган асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари амалда идрок этилиши-этилмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай бошқача усулларда етказиш (нусхаларни тарқатиш бундан мустасно);

ёзув — овозлар ва (ёки) тасвирларни қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки юбориш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклда техника воситалари ёрдамида қайд этиш;

ижро — асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиш, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида такдим этиш;

ижрочи — актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайди-

ган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, рақсга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа ас-бобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан халқ ижодиёти асарини) ўзгача тарзда ижро этадиган бошқа жисмоний шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёри ва дирижёр;

кабель орқали юбориш — асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини кабель, сим ёки шунга ўхшаш воситалар ёрдамида барчанинг эътибори учун юбориш;

манзарали-амалий санъат асари — асл нусхалари ёки нусхалари амалда фойдаланиш ашёлари сифатида қўлланиладиган ёки ана шундай ашёларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан бадий хунармандчилик асари ёки саноат усулида тайёрланган асар;

маълумотлар базаси — объектив шаклда ифодаланган ва электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭХМ деб юритилади) ёрдамида топиш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (мақолалар, ҳисоб-китоблар ва шу кабилар) мажмуи;

муаллиф — ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс;

омма олдида ижро этиш — асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини ижро этиш ёки маълум қилишнинг ҳар қандай бошқа шакли воситасида, бевосита ёки техника воситалари ёрдамида, омма учун очиқ жойда ёки айни бир оила аъзолари бўлмаган шахсларнинг кенг доираси ҳозир бўлган жойда эшитиб ва (ёки) кўриб идрок этиш учун етказиш;

прокатга бериш — асарларнинг асл нусхасини ёки нусхаларини ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларини даромад олиш мақсадида вақтинчалик фойдаланиш учун бериш;

репрографик такрорлаш — фотоқўчирмасини олиш йўли билан ёки бошқа техника воситалари ёрдамида ёзма ва бошқа асарларнинг асл нусхаларини ёки уларнинг кўчирмаларини бир ёки ундан кўп нусхада, ҳар қандай ўлчамда ва шаклда факсимил такрорлаш, тасвирий санъат асарлари репродукцияларини босмаҳона усуллари билан фойдаланган ҳолда тайёрлаш ҳоллари бундан мустасно. Ребрографик такрорлаш мазкур кўчирмаларни рақамли шаклда сақлаш ёки кўпайтиришни ўз ичига олмайди, ребрографик такрорлаш учун фойдаланиладиган техника воситаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муваққат кўчирма нусхалар яратиш ҳоллари бундан мустасно;

ретрансляция — эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бир ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришини эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи бошқа ташкилот томонидан бир вақтда эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш;

такрорлаш — асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг ёхуд улардан бир қисмининг ҳар қандай усулда ва ҳар қандай моддий шаклда бир ёки ундан кўп нусхаларини тайёрлаш, шу жумладан икки ўлчовли асарнинг бир ёхуд ундан кўп нусхаларини уч ўлчовда ҳамда уч ўлчовли асарнинг бир ёки ундан кўп нусхаларини икки ўлчовда тайёрлаш, ЭХМ ва бошқа электрон қурилмалар хотирасига ёзиб олиш;

фонограмма — бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлако овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно;

фонограмма нусхаси — ҳар қандай моддий жисмдаги, фонограммдан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммада қайд этилган овозларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини қамраб олган фонограмма кўчирмаси;

фонограммани тайёрловчи — ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи

овозли ёзуви учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс;

халқ ижодиёти асарлари — аниқ муаллифи бўлмаган эртақлар, кўшиқлар, рақслар, манзарали-амалий санъат асарлари ҳамда бадиий ва хаваскорлик халқ ижодиётининг бошқа натижалари;

чоп этиш — асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда омманинг оқилона эҳтиёжларини қондириш учун етарлича миқдорда асарнинг, ижро ёзувининг ёки фонограмманинг нусхаларини асар муаллифининг, ижрочининг ёки фонограммани тайёрловчининг розилиги билан муомага чиқариш;

эфирга узатиш — асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини радио ёки телевидение, шу жумладан сунъий йўлдошлар (кабель телевидениеси бундан мустасно) орқали узатиш воситасида барчанинг эътибори учун юбориш. Асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини сунъий йўлдош орқали эфирга узатиш деганда сигналларни ердаги станциядан сунъий йўлдошга қабул қилиш ва сунъий йўлдошдан сигналларни узатиш тушунилади, улар воситасида асар ёки турдош ҳуқуқлар объектлари, уларни омма амалда қабул қилишидан қатъи назар, барчанинг эътиборига етказилиши мумкин;

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот — эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш учун ташаббус ва масъулиятни ўз зиммасига олган ҳамда уларни белгиланган тартибда амалга оширувчи шахс;

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши — эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек унинг буюртмаси бўйича ва унинг маблағлари ҳисобига бошқа ташкилот томонидан яратилган кўрсатув ёки эшиттириш;

ҳуқуқ эгаси — муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот, шунингдек шартномада ёки ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар.

2-боб. Муаллифлик ҳуқуқи

4-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонунга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий туриш жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбе-

кистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади.

5-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объекти

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан катъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қўйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади.

6-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарлар

Қўйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир:

адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драма ва сценарий асарлари;

матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;

мусиқали драма асарлари;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар;

рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;

манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари;

архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари;

ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа асарлар.

7-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, содалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади.

8-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

9-модда. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасини ишлаб чиққан шахс, агар бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан таққиланган бўлмаса, ўзи яратган лойиҳани чоп этишга ҳақлидир. Лойиҳани чоп этишда уни ишлаб чиққан шахс ўз исми-шарифини кўрсатишга ҳақлидир.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасидан, агар лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан чоп этилган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳа асосидаги расмий ҳужжат, рамз ёки белгини қабул қилганидан (тасдиқлаганидан) кейин мазкур расмий ҳужжат, рамз ёки белгидан лойиҳани ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланилади.

10-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлик пре-зюмцияси

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

11-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгилари

Мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқдаридан хабардор қилиш учун муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча «С» ҳарфи;

мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи);

асар биринчи марта чоп этилган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади.

12-модда. Ҳаммуаллифлик

Икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Агар ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

13-модда. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи

Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди.

14-модда. Жамлама асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи

Жамлама асар муаллифига (тузувчисига) ижодий меҳнат натижасини ифода-

ловчи, мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган, материалларни танлаб олиш ёки жойлаштиришга бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Тузувчи жамлама асарга киритилган асарлардан ҳар бирининг муаллифлари ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Агар муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, жамлама асарга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини жамлама асардан қатъи назар сақлаб қоладилар.

Тузувчининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ўз жамлама асарларини яратиш учун айна ўша материалларни мустақил равишда танлаб олишларига ёки жойлаштиришларига тўсқинлик қилмайди.

15-модда. Аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи

Аудиовизуал асар муаллифлари (хаммуаллифлари) қуйидагилардан иборатдир: саҳналаштирувчи режиссёр;

сценарий муаллифи;

муайян аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнли ёки матнсиз мусиқа асари муаллифи;

саҳналаштирувчи оператор;

саҳналаштирувчи рассом.

Номи ёки исми-шарифи тайёрловчи сифатида асарнинг асл нусхасида ёхуд нусхасида кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, шу аудиовизуал асарни тайёрловчи деб эътироф этилади.

Аудиовизуал асар омма олдидан ижро этилган тақдирда, мусиқа асари (матнли ёки матнсиз) муаллифи ўз мусиқа асарининг омма олдидан ижро этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

16-модда. Интервью муаллифлари

Интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқи интервью берган шахсга ва интервью олган шахсга, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хаммуаллифлар сифатида тегишлидир.

Интервьюдан фойдаланишга фақат интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

17-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Қонунда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар уларнинг ноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

18-модда. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари

Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

19-модда. Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади, ушбу Қонун 23-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

20-модда. Муаллифнинг айрим мулкый ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари

Муаллифнинг асарни таржима қилишга ва қайта ишлашга бўлган мутлақ ҳуқуқлари таржима қилинган ёки қайта ишланган асарга нисбатан ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Муаллифнинг дизайнерлик, архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш лойиҳаларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари бундай лойиҳаларни амалда рўёбга чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Қабул қилинган архитектура лойиҳасининг муаллифи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачидан қурилишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бино ёки иншоотни қуриш чоғида ўз лойиҳасини рўёбга чиқаришда қатнашиш ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

21-модда. Прокатга бериш ҳуқуқи

Аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар, фонограммага ёзилган асарлар муаллифлари асарнинг асл нусхасини ёки нусхасини прокатга беришга рухсат этишда мутлақ ҳуқуққа эга. Ушбу қисмининг қоидалари аудиовизуал асарларга нисбатан,

агар фақат шундай прокат ана шу асарларни такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуққа жиддий зарар етказадиган кенг қўламли такрорлашга олиб келмаса, шунингдек ЭҲМ учун дастурларга нисбатан, агар ЭҲМ учун дастурнинг ўзи прокатнинг асосий объекти бўлмаса, қўлланилмайди.

Фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда муаллиф, фонограмма ёки аудиовизуал асарни прокатга бериш ҳуқуқи фонограммани тайёрловчига ёки аудиовизуал асарни тайёрловчига ўтказилганлигига қарамай, фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

22-модда. Асарларни сақлаш учун топшириш

Агар асар сақлаш учун ҳар кимнинг фойдаланиши мумкин бўлган сақлов жойига (депозитарийга) топширилган бўлса ва депозитарий билан тузилган шартномага кўра мазкур депозитарийга мурожаат этадиган ҳар қандай шахснинг асар нусхасини олиши мумкин бўлса, асардан бу тарзда фойдаланиш асарларнинг қўлёзмаларини, ҳар қандай моддий жисмдаги бошқа асарларни сақлаш учун топшириш деб эътироф этилади.

Асарни сақлаш учун топшириш мутлақ муаллифлик ҳуқуқи эгасининг депозитарий билан тузилган, асардан фойдаланиш шартларини белгиловчи шартнома асосида амалга оширилади. Бундай шартнома ва депозитарийнинг фойдаланувчи билан тузган шартномаси оммавий шартномадир.

23-модда. Тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Эргашма ҳуқуқ

Тасвирий санъат асарининг муаллифи асар мулкдоридан ўз асарларини такрорлаш ҳуқуқини (фойдаланиш ҳуқуқини) амалга ошириш имкониятини беришни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда асар мулкдоридан асарни муаллифга етказиб беришни талаб қилиш мумкин эмас.

Тасвирий санъат асарига бўлган мулк ҳуқуқининг муаллифдан бошқа шахсга (ҳақ эвазига ёки текин) ўтиши бу асарнинг дастлабки сотилишини билдиради.

Тасвирий санъат асарини олдинги нархдан камида йигирма фоиз юқори нарх бўйича ошқора қайта сотишнинг (кимошди савдоси, тасвирий санъат галереяси, бадий салон, дўкон ва ҳоказо орқали) ҳар бир ҳолатида муаллиф сотувчидан қайта сотиш нархининг беш фоизи миқдорида ҳақ олиш ҳуқуқига эга (эргашма ҳуқуқ). Мазкур ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилмайди ва фақат муаллифнинг қонун бўйича меросхўрларига муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатига ўтади.

24-модда. Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши

Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини чеклашга ушбу Қонуннинг 25—33-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

25-модда. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўламадан шахсий мақсадларда такрорлаш

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:
бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;
маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;
қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭХМ учун дастурларни такрорлашга;
китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

26-модда. Асарлардан муаллифнинг исми-шарифини кўрсатган ҳолда эркин фойдаланиш

Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шarti билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

ошкор қилинган асарлардан асл нусхада ва таржимада илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида кўзланган мақсадга мос ҳажмда иқтибос олиш, шу жумладан газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш;

ошкор қилинган асарлардан ёки бундай асарларнинг парчаларидан таълим ва ўқув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда, овозли ва видео ёзувларда кўзланган мақсадга мос ҳажмда мисоллар тариқасида фойдаланиш;

кундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ёки эфирга узатилган ёхуд кабель орқали юборилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шундай фойдаланиш муаллиф томонидан махсус тақиқланган ҳоллар бундан мустасно;

омма олдидан сўзланган сиёсий нутқлар, мурожаатлар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни кўзланган мақсадга мос ҳажмда газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш. Бунда ана шундай асарларни тўпламларда чоп этиш ҳуқуқи муаллифда сақланиб қолади;

кундалик воқеалар жараёнида қўриш ёки эшитиш мумкин бўлган асарларни ана шундай воқеаларнинг шарҳларида фотография ёки кинематография воситалари ёрдамида эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш йўли билан ахборот мақсадига мос ҳажмда такрорлаш ёки барчанинг эътибори учун юбориш. Бунда ана шундай асарларни тўпламларда чоп этиш ҳуқуқи муаллифда сақланиб қолади;

даромад олишни кўзламаган ҳолда кўзи ожизлар учун қабарик нуқтали ҳарфлар ёки бошқа усуллар билан чоп этилган асарларни такрорлаш, ана шундай такрорлаш усуллари учун махсус яратилган асарлар бундан мустасно.

Фуқаролик муомаласига қонуний киритилган асарларнинг нусхаларини кутубхоналар томонидан вақтинчалик фойдаланишга муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда беришга йўл қўйилади. Бунда муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган, рақамли шаклда ифодаланган асарларнинг нусхалари, шу жумладан кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш тартибида бериладиган асарларнинг нусхалари бу асарларнинг рақамли шаклдаги кўчирма нусхаларини яратиш имкониятини истисно этиш шarti билан фақат кутубхоналарнинг биноларида вақтинчалик фойдаланишга берилиши мумкин.

27-модда. Асарлардан репрографик такрорлаш йўли билан фойдаланиш

Даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган тарзда:

кутубхоналар ва архивлар томонидан — асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек таълим муассасалари томонидан аудитория машғулоти учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада репрографик такрорлашга йўл қўйилади.

28-модда. Ҳамма бемалол бора оладиган жойларда доимий жойлашган асарлардан эркин фойдаланиш

Ҳамма бемалол бора оладиган жойда доимий жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишга йўл қўйилади. Бу қоида асарнинг тасвири шундай такрорлаш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишнинг асосий объекти бўлган ҳолларга, шунингдек асарнинг тасвиридан тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

29-модда. Асарларни омма олдида эркин ижро этиш

Чоп этилган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўламаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади.

30-модда. Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадлари учун фойдаланиш

Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўламаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.

31-модда. Эфир орқали кўрсатув ёки эшиттириш берувчи ташкилотлар томонидан қисқа муддат фойдаланиш учун эркин ёзиб олиш

Эфир орқали кўрсатув ёки эшиттириш берувчи ташкилот ўзи эфирга узатиш ҳуқуқини олган асарни муаллифнинг розилигисиз ва қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда ўз ускуналари ёрдамида ҳамда ўз кўрсатувлари ёки эшиттиришлари учун амалга ошириш шarti билан қисқа муддат фойдаланиш учун ёзиб олиши мумкин. Агар бундай ёзувни сақлашнинг узокроқ муддати муаллиф билан келишилган бўлмаса, ташкилот уни тайёрланганидан кейин олти ой ичида йўқ қилиб юбориши шарт. Агар бундай ёзув фақат ҳужжатли тусда бўлса, ёзув асар муаллифининг розилигисиз давлат архивларида сақланиши мумкин.

32-модда. ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларини эркин такрорлаш ва соддалаштириш

ЭҲМ учун дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонуний эга бўлган шахснинг кейинчалик шахсий фойдаланиш мақсадида ЭҲМ учун дастурни ёки маълумотлар базасини эркин такрорлашга ва соддалаштиришга бўлган ҳуқуқи қонун билан белгиланади.

33-модда. Шахсий мақсадларда такрорлаганлик учун ҳақ тўлаш

Аудиовизуал асарни ёки фонограммани даромад олмасдан фақат шахсий мақсадлар учун асар муаллифининг, ижрочининг, фонограммани ва аудиовизуал асарни тайёрловчининг розилигисиз, лекин уларга ҳақ тўлаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади. Ҳақ бундай такрорлаш учун фойдаланиладиган усқуналарни (аудио- ҳамда видеомагнитофонлар ва бошқа усқуналарни) ҳамда моддий жисмларни (овозли ва (ёки) видео плёнкалар ва кассеталар, компакт дисклар ва бошқа моддий жисмларни) тайёрловчилар ва импорт қилувчилар томонидан тўланади.

Тайёрланадиган ва импорт қилинадиган усқуналар ҳамда моддий жисмлар рўйхати, шунингдек йиғиладиган ҳақ ставкалари, уни йиғиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳақни йиғиш ва тақсимлаш муаллифлар, фонограммаларни тайёрловчилар ва ижрочиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг бири томонидан ана шу ташкилотлар ўртасида тузилган келишувга мувофиқ амалга оширилади. Агар ушбу келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кўрсатиб ўтилган ҳақ қўйидаги нисбатда тақсимланади: қирқ фоизи — муаллифларга, ўттиз фоизи — ижрочиларга, ўттиз фоизи — фонограммалар ва (ёки) аудиовизуал асарларни тайёрловчиларга.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳақни йиғиш ва тақсимлаш тартибини текшириш ҳамда назорат қилиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Экспорт нарсаси ҳисобланадиган усқуналар ҳамда моддий жисмларга, шунингдек уй шароитларида фойдаланиш учун мўлжалланмаган профессионал усқуналарга татбиқан йиғим амалга оширилмайди ва ҳақ тўланмайди.

34-модда. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи

Хизмат вазибаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун муаллифлик ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошқор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади такозо этмайдиган усқулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириқларини бажариш йўсинида ушбу Қонун 17-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди.

35-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

36-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг мерос бўйича ўтиши

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари мерос бўйича ўтади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат билан чекланмайди.

Муаллифнинг меросхўрлари бўлмаган тақдирда, унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш махсус ваколатли давлат органи зиммасига юкланади.

Агар асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бир неча меросхўрга биргаликда тегишли бўлса, асардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишувда белгиланади. Бунда меросхўрлардан ҳеч бири бошқа меросхўрларнинг асардан фойдаланишини етарли асосларсиз тақиқлашга ҳақли эмас.

37-модда. Асарнинг ижтимоӣ мулкка айланиши

Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоӣ мулкка айланишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоӣ мулк ҳисобланади.

Ижтимоӣ мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўла-

маган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя этилиши керак.

38-модда. Муаллифлик шартномаси

Ушбу Қонун 19-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мулкӣ ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, ушбу Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради.

Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсларга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас.

Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.

39-модда. Муаллифлик шартномаси шартлари

Муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шarti ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллифлик шартномасининг ушбу Қонун талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас.

40-модда. Аудиовизуал асар яратиш ва ундан фойдаланишга оид муаллифлик шартномасининг ўзига хос хусусиятлари

Аудиовизуал асар яратиш ва ундан фойдаланиш учун муаллифлик шартномасини тузиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бу асар муаллифлари томонидан аудиовизуал асарни тайёрловчига такрорлаш, тарқатиш, прокатга бериш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига такроран юбориш, аудиовизуал асарни барчанинг эътиборига етказиш, шунингдек аудиовизуал асарга субтитр қилиш ва матнни дубляж қилиш бўйича мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига олиб келади. Кўрсатилган ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи амал қиладиган муддат мобайнида амалда бўлади.

Аудиовизуал асар таркибига кирадиган асарлардан фойдаланиш муаллифлик шартномаси асосида ва қонунда назарда тутилган бошқа асосларда амалга оширилади.

Асарни аудиовизуал асар таркибига киритишга ўз розилигини берган ҳуқуқ эгаси, агар аудиовизуал асарни тайёрловчи билан тузилган муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, аудиовизуал асардан фойдаланишни тақиқлашга ёки бирон-бир тарзда чеклашга ҳақли эмас.

Аудиовизуал асарга таркибий қисм бўлиб кирган, ҳам илгари мавжуд бўлган, ҳам унинг устида ишлаш жараёнида яратилган асарларнинг муаллифлари, агар аудиовизуал асарни тайёрловчи билан тузилган муаллифлик шартномасида бошқача қоида шартлашилган бўлмаса, ҳар бири ўз асарига нисбатан муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

41-модда. Буюртманинг муаллифлик шартномаси

Муаллиф буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича асарни шартнома шартларига мувофиқ яратиш ва уни буюртмачига топшириш мажбуриятини олади.

Буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича яратилган асарга бўлган шахсий номулкӣ ҳуқуқлар муаллифга тегишлидир.

Буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича асардан фойдаланиш учун мул-

кий ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда, ушбу Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидаларига риоя қилиниши керак.

42-модда. Муаллифлик шартномасининг шакли

Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари нусхаларини сотишда муаллифлик шартномаси, агар унинг шартлари (дастурдан ва маълумотлар базасидан фойдаланиш шартлари) дастур ёки маълумотлар базаси нусхаларида тегишли тарзда баён қилинган бўлса, ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

3-боб. Турдош ҳуқуқлар

43-модда. Турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш соҳаси

Ижрочининг ҳуқуқлари қуйидаги шартлардан бирига риоя этилган тақдирда, ушбу Қонунга мувофиқ унга тегишли деб эътироф этилади:

ижрочи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса;

ижрочининг фуқаролигидан қатъи назар, ижро биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган бўлса;

ижро ушбу модданинг иккинчи қисми қоидаларига мувофиқ муҳофаза қилинадиган фонограммага ёзилган бўлса;

фонограммага ёзилмаган ижро ушбу модданинг учинчи қисми қоида-сига мувофиқ эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг муҳофаза қилинадиган кўрсатув ёки эшиттиришига киритилган бўлса.

Фонограммани тайёрловчининг ҳуқуқлари қуйидаги шартлардан бирига риоя этилган тақдирда, ушбу Қонунга мувофиқ унга тегишли деб эътироф этилади:

фонограммани тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ерига эга бўлган юридик шахс бўлса;

фонограммани тайёрловчининг фуқаролиги ёки жойлашган еридан қатъи назар, фонограмма биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари, агар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ерига эга бўлса ҳамда эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган узатгичлар ёрдамида амалга ошираётган бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ мазкур ташкилотга тегишли деб эътироф этилади.

Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган турдош ҳуқуқлари ҳам ушбу Қонунга биноан эътироф этилади.

44-модда. Турдош ҳуқуқлар объектлари

Турдош ҳуқуқлар объектлари жумласига ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари киради.

45-модда. Турдош ҳуқуқлар субъектлари

Ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош ҳуқуқлар субъектларидир.

Турдош ҳуқуқларнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун турдош

ҳуқуқлар объектини рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш ва кабель орқали юборишни (ретрансляция ҳам шунга киради) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, асардан, ижродан, фонограммадан ёхуд эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришидан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Ретрансляция муаллифлар, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига етказишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

46-модда. Турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза белгилари

Фонограммага ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгалари ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ғилофда акс этирилади ҳамда қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча «Р» ҳарфи;

мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исми-шарифи (номи);

фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

Номи ёки исми-шарифи ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган ғилофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқа ҳол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади.

47-модда. Ижрочининг ҳуқуқлари

Ижрочига қуйидаги ҳуқуқлар тегишлидир:

исми-шарифга бўлган ҳуқуқ;

ижрони ижрочининг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ.

Ижрочининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англади:

ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки

ёзудан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи).

Ижрочининг ижро ёзувини такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуқи қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

ижронинг дастлабки ёзуви ижрочининг розилиги билан амалга оширилганда;

ижро ёзувини такрорлаш ижро ёзиб олинаётганда ижрочининг розилиги қайси мақсадда олинган бўлса, шу мақсадда амалга оширилганда;

ижро ёзувини такрорлаш ушбу Қонуннинг 53-моддаси қоидаларига мувофиқ тайёрланган ёзув мақсадида амалга оширилганда.

Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, ижрочининг розилигисиз ва унга ҳақ тўламаган ҳолда уларнинг бундан буёнги тарқатилишига йўл қўйилади.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган ижроларга нисбатан тегишинча ушбу Қонуннинг 34-моддаси қоидалари қўлланилади.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Ижро ёзувидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, ижро ёзувидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

48-модда. Ижрочининг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш

Ижрочининг ушбу Қонун 47-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидалари қўлланилади.

Ижролардан фойдаланиш учун рухсатномалар ижрочи томонидан, ижрочилар жамоаси ижро этганда эса ижрочилар жамоасининг ваколатли вакили томонидан ёзма шартнома тузиш орқали берилади.

Ижродан фойдаланганлик учун ҳақ миқдори ва уни ҳисоблаб чиқариш тартиби ижрочининг ёки ижрочилар жамоаси ваколатли вакилининг фойдаланувчи билан тузилган шартномасида, бундай ҳақни йиғиш ижрочиларнинг мулкый ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган ҳолларда эса бундай ташкилотлар фойдаланувчилар билан тузадиган шартномаларда белгилаб қўйилади.

Аудиовизуал асар яратиш тўғрисида ижрочи ва аудиовизуал асарни тайёрловчи ўртасида шартнома тузилиши ижрочи томонидан ушбу Қонун 47-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлар ўтказилишига сабаб бўлади. Ижрочи томонидан бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши аудиовизуал асардан фойдаланиш билан чекланади ва, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, аудиовизуал асарда қайд этилган овоз ёки тасвирдан алоҳида-алоҳида фойдаланиш ҳуқуқларини ўз ичига олмайди.

49-модда. Ижро ёзувини прокатга бериш ҳуқуқи

Тижорат мақсадларида чоп этилган, ижроси ижрочи иштирокида ёзиб олинган

фонограммани прокатга бериш ҳуқуқи ижрони фонограммага ёзиб олиш тўғрисида шартнома тузилганда фонограммани тайёрловчига ўтади. Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма нусхаларини прокатга беришда ижроси фонограммага ёзиб олинган ижрочи бундай фонограмма нусхалари прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда ижроси аудиовизуал асарга киритилган ижрочи бундай аудиовизуал асар нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда ҳақни йиғиш ва тақсимлаш ижрочиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳақ миқдори бундай ташкилот билан прокатга берувчи ташкилот ўртасидаги келишувда белгиланади.

50-модда. Фонограммани тайёрловчининг ҳуқуқлари

Фонограммани тайёрловчига ушбу Қонунга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

фонограммани такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).

Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳақ тўламаган ҳолда йўл қўйилади.

Фонограммани тайёрловчининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидалари қўлланилади.

Фонограммаларни тайёрловчилар ўз ҳуқуқларини фойдаланилаётган асарлар ва ижролар муаллифлари ҳамда ижрочиларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Фонограммадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, фонограммадан фойдаланилган деб ҳисобланади.

51-модда. Фонограммадан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Тижорат мақсадида чоп этилган фонограммани тайёрловчининг ва ижроси шундай фонограммага ёзилган ижрочининг розилигисиз, лекин уларга ҳақ тўлаган ҳолда:

фонограммани омма олдида ижро этишга;

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шу жумладан уни ретрансляция қилиш йўли билан эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишга йўл қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш ижрочиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ёки фонограммаларни тайёрловчиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан шундай ташкилотлар ўртасидаги келишувга биноан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақ миқдори, шунингдек уни тўлаш тартиби ҳақни йиғувчи ташкилот билан фонограммадан фойдаланувчи шахслар ўртасидаги келишувда белгиланади.

52-модда. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишда ушбу Қонунга мувофиқ мутлақ ҳуқуқларга эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш ҳуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши ёзувини такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуқи қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг розилиги билан амалга оширилганда;

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш ушбу Қонуннинг 53-моддаси қоидаларига мувофиқ тайёрланган ёзув мақсадида амалга оширилганда.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидалари қўлланилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ўз ҳуқуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг иж-рочилари ҳуқуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига рия этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлигидан ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, кўрсатув ёки эшиттиришдан фойдаланилган деб ҳисобланади.

53-модда. Ижрочи, фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ҳуқуқларининг чекланиши

Ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда ижродан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан ҳамда уларнинг ёзувларидан фойдаланишга, шунингдек фонограммани такрорлашга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

кундалик воқеалар шарҳига ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан унчалик катта бўлмаган парчалар киритиш йўли билан;

фақат ўқув ёки илмий-тадқиқот мақсадларида;

илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ёхуд ахборот мақсадларида иқтибос олиниши шарти билан ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан унча катта бўлмаган парчаларни иқтибос шаклида келтириш. Бунда тижорат мақсадида чоп этилган фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ёхуд барчанинг эътиборига етказиш учун ҳар қандай такрорлаш ушбу Қонуннинг 51-моддаси қоидаларига рия этилган ҳолда амалга оширилади;

ушбу Қонунда фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг мулкый ҳуқуқларини чеклашга нисбатан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Жисмоний шахс томонидан ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўламаган ҳолда ижронинг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришининг, шунингдек фонограмманинг ёзувини фақат ўз шахсий мақсадлари учун ва даромад олишни кўзламаган ҳолда тайёрлашга йўл қўйилади.

Агар қисқа муддат фойдаланиш учун ёзув ёки такрорлаш эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот томонидан ўз асбоб-ускуналари ёрдамида ҳамда унинг ўз кўрсатуви ёки эшиттириши учун амалга ошириладиган бўлса, иж-

ронинг ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришнинг қисқа муддат фойдаланиладиган ёзувларини амалга ошириш, бундай ёзувларни такрорлаш ва тижорат мақсадида чоп этилган фонограммани такрорлаш учун ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг ҳамда эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг рухсатини олишга нисбатан ушбу Қонуннинг 47, 50 ва 52-моддаларининг қоидалари қуйидаги шартлар билан қўлланилмайди:

эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ушбу қисм қоидаларига мувофиқ қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув ёки бундай ёзувни такрорлаш амалга ошириладиган ижронинг ўзини ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш учун олдиндан рухсат олган тақдирда;

қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув фан, адабиёт ва санъат асарларининг ушбу Қонуннинг 31-моддаси қоидаларига мувофиқ эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот томонидан бажариладиган қисқа муддат фойдаланиладиган ёзувга нисбатан белгиланадиган муддат доирасида йўқ қилиб юборилган тақдирда, ўзининг алоҳида ҳужжат хусусиятига эгаллиги сабабли давлат архивларида сақланиши мумкин бўлган ягона нусха бундан мустасно.

Ушбу моддада муаллифнинг, ижрочининг, фонограммаларни тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларига нисбатан назарда тутилган чеклашлар ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан, шунингдек уларга киритилган фан, адабиёт ва санъат асарларидан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ҳолда ҳамда ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг, мазкур асарлар муаллифлари ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини чеклаб қўймаган ҳолда қўлланилади.

54-модда. Турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати

Ушбу Қонунда ижрочига нисбатан назарда тутилган ҳуқуқлар ижро биринчи марта ижро этилгандан кейин эллик йил мобайнида амал қилади.

Ижрочининг исми-шарифга бўлган ҳамда ижрони ижрочининг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари муддатсиз муҳофаза қилинади.

Фонограммани тайёрловчига нисбатан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлар фонограмма биринчи марта чоп этилганидан кейин эллик йил мобайнида ёхуд, агар фонограмма унинг биринчи ёзувидан кейин эллик йил ичида чоп этилмаган бўлса, шу муддат мобайнида амал қилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришига нисбатан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари бундай кўрсатув ёки эшиттириш биринчи марта эфирга узатилганидан ёки биринчи марта кабель орқали юборилганидан кейин эллик йил мобайнида амал қилади.

Турдош ҳуқуқлар объектларига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат турдош ҳуқуқлар объектлари келиб чиққан мамлакатда белгиланган турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт рўй берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларнинг қолган қисми доирасида ижродан, фонограммдан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишни амалга ошириш ёхуд фойдаланишга рухсат бериш ва ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг меросхўрларига (юридик шахсларга нисбатан — ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

55-модда. Турдош ҳуқуқлар объектларининг ижтимоий мулкка айланиши

Ижро, фонограмма, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришига бўлган турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳеч қачон муҳофаза берилмаган ижролар, фонограммалар ва эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк бўлган ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларидан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин.

4-боб. Мулккий ҳуқуқларни жамоавий бошқариш

56-модда. Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар

Фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари ўз мулккий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўз мулккий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир.

Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар нотижорат ташкилотлари ҳисобланади ва ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг уставлари ушбу Қонун талабларига жавоб берадиган қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чеклашлар қўлланилмайди.

Ҳуқуқ эгаларининг турли ҳуқуқлари ва турли тоифалари бўйича алоҳида ташкилотларни ёки бир тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб турли ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотларни ёхуд турли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб, ҳуқуқларнинг бир турини бошқарувчи ташкилотларни тузишга йўл қўйилади.

Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

57-модда. Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолияти

Мулккий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш учун ваколатлар бевосита ҳуқуқ эгалари томонидан ихтиёрий равишда ёзма шартномалар асосида, шунингдек мулк

кий ҳуқуқларни бошқаришни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар (шу жумладан чет эл ташкилотлари) билан тузилган тегишли шартномалар бўйича берилади. Бундай шартномалар муаллифлик шартномаси ҳисобланмайди ва ушбу Қонуннинг 38—42-моддалари қоидалари уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотга шартнома бўйича ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш учун ваколатлар беришга ҳақлидир, ташкилот эса, агар бундай ҳуқуқларни бошқариш шу ташкилотнинг уставида кўрсатилган фаолиятига тааллуқли бўлса, бу ҳуқуқларни жамоавий асосда амалга оширишни ўз зиммасига олиши шарт. Муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси ўз мулкӣ ҳуқуқлари ёки ҳуқуқини амалга ошириш ваколатларини тегишли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи фақат битта ташкилотга беришга ҳақлидир.

Ҳақ миқдори ва фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартнома тузиш шартлари, йиғилган ҳақни тақсимлаш ва тўлаш усули ҳамда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот фаолиятининг бошқа муҳим масалалари хусусидаги қарорларни қабул қилиш фақат муаллифлар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари томонидан умумий йиғилишда коллегиял тарзда амалга оширилади.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгаларидан олинган ваколатлар асосида фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартномалар тузади. Шартномаларнинг шартлари фойдаланиладиган асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг тури ва ҳажмига қараб аниқланадиган битта тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлиши керак. Мазкур ташкилотлар фойдаланувчилар билан шартномалар тузишни етарлича асосларсиз рад этишга ҳақли эмас. Бундай шартномалар уларда назарда тутилган усуллар билан барча асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга рухсат беради ҳамда барча ҳуқуқ эгаларининг, шу жумладан ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ ташкилотга ваколатларини бермаган ҳуқуқ эгаларининг номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилади. Ҳуқуқ эгаларининг фойдаланувчиларга нисбатан бундай шартномалар асосида уларнинг асарларидан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча эҳтимол тутилган мулкӣ эътирозлари шартномалар тузган мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан тартибга солиниши керак.

Фойдаланувчилар мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Маълумотлар ва ҳужжатларнинг рўйхати мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фойдаланувчилар билан тузадиган шартномаларда белгиланади.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар жамоавий асосда бошқариш учун олинган асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни амалга оширишга ҳақли эмас.

58-модда. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

тўланадиган ҳақ миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошқа шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;

бундай ташкилот бошқараётган ҳуқуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;

ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;

шартномаларда назарда тутилган ҳақни ва (ёки) ушбу қисмнинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;

бундай ташкилот ўзи бошқараётган ҳуқуқларни химоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш;

шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларини, шунингдек асарларга ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) сақлашга топширишни амалга ошириш.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

59-модда. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқараётган ташкилот:

ҳақ тўлаш билан бир вақтда ҳуқуқ эгаларига уларнинг ҳуқуқларидан фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботларни тақдим этиши;

ушбу Қонун 58-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси қоидаларига мувофиқ йиғилган ҳақдан фақат ҳуқуқ эгаларига тақсимлаш ва тўлаш учун фойдаланиши. Бунда ташкилот йиғилган ҳақдан бундай ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш бўйича ўзининг ҳақиқий харажатларини қоплаш суммаларини, шунингдек шу ташкилот томонидан ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган махсус фондларга йўналтириладиган суммаларни чегириб ташлашга ҳақлидир;

йиғилган ҳақ суммаларини, ушбу қисмнинг учинчи хатбошисида назарда тутилган суммаларни чегириб ташлаган ҳолда, асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан амалда фойдаланилишига мутаносиб равишда тақсимлаши ва мунтазам тўлаб бориши;

йиғилган ҳақни бевосита ҳуқуқ эгаларига тақсимлаши ҳамда тўлаши ва (ёки) уни ҳуқуқ эгаларига тақсимлаш ва тўлаш учун тегишли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ифодаловчи бошқа ташкилотларга шу ташкилотлар билан тузилган келишувлар асосида ўтказиши;

талаб қилиб олинмаган ҳақни ҳуқуқ эгаларини қидириш чораларини кўрган ҳолда, у ташкилот ҳисобига тушган санадан эътиборан уч йил мобайнида сақлаб туриши шарт. Кўрсатилган муддат тугагач, ташкилот талаб қилиб олинмаган ҳақни тақсимланадиган суммаларга қўшиб юборишга ёки уни ташкилот ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, фақат шу ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа мақсадларга қаратишга ҳақлидир.

Ташкилотга ушбу Қонун 58-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳақни йиғишга нисбатан ваколатлар бермаган ҳуқуқ эгалари

амалга оширилган тақсимлашга мувофиқ уларга тегишли ҳақнинг тўланишини, шунингдек ўз асарларини ёки турдош ҳуқуқлар объектларини бу ташкилот томонидан фойдаланувчиларга тақдим этилган шартномалардан чиқариб ташлашни ташкилотдан талаб қилишга ҳақлидир.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот зиммасида ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

60-модда. Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот махсус ваколатли давлат органига қуйидаги ахборотни тақдим этиши шарт:

ташкilotнинг уставига киритилган ўзгартишлар тўғрисида;

ташкilot шунга ўхшаш ҳуқуқларни бошқарувчи чет эл ташкilotлари билан тузадиган икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тўғрисида;

умумий йиғилиш қарорлари тўғрисида;

йиллик баланс, йиллик ҳисобот, шу жумладан талаб қилиб олинмаган ҳақлар ҳақидаги маълумотлар ва ташкilot фаолиятининг аудиторлик текшируви тўғрисида;

ташкilot номидан иш кўришга ваколатли шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми тўғрисида.

Махсус ваколатли давлат органи мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкilotдан унинг фаолияти ўз уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш учун зарур бўлган қўшимча ахборот талаб қилиб олишга ҳақлидир.

5-боб. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

61-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

62-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш

Қуйидагилар:

муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

ижрочининг исми-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкilot билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу Қонунга мувофиқ шундай фойдаланишга шартнома тузмасдан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкilot билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишдир.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир. Ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир.

63-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари

Асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олувчи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади.

Асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан:

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга доир муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларининг қўлланилиши йўли билан белгиланган чеклашларни олиб ташлашга қаратилган ҳаракатларни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг рухсатисиз амалга оширишга;

ҳар қандай қурилмани ёки унинг таркибий қисмларини тайёрлашга, тарқатишга, прокатга беришга, вақтинчалик текин фойдаланиш учун беришга, импорт қилишга, реклама қилишга, улардан тижорат мақсадида фойдаланишга ёхуд хизматлар кўрсатишга, агар бундай ҳаракатлар натижасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлмағи қолса ёки бундай техника воситалари кўрсатилган ҳуқуқларнинг лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминламаса, йўл қўйилмайди.

64-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида ахборот

Асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини, муаллифни, турдош ҳуқуқлар эгасини ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасини идентификацияловчи ҳар қандай ахборот ёхуд асардан ёки турдош ҳуқуқлар объектдан фойдаланиш шартлари ҳақидаги, асарнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектнинг нусхасида мавжуд бўлган, уларга илова қилинган ёхуд бундай асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд барчанинг эътиборига етказиш муносабати билан пайдо бўладиган ахборот, шунингдек шундай ахборотни ўз ичига олган ҳар қандай рақамлар ва кодлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборот деб эътироф этилади.

Қуйидагиларга:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборотни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг рухсатисиз чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришга;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахбороти ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг рухсатисиз чиқариб ташланган асарларни

ёки турдош ҳуқуқлар объектларини такрорлаш, тарқатиш, тарқатиш мақсадида импорт қилиш, омма олдида ижро этиш, барчанинг эътибори учун юборишга, барчанинг эътиборига етказишга йўл қўйилмайди.

65-модда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари

Муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан қўйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

ҳуқуқларни тан олишини;

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашини ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишини;

ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромади миқдоридagi зарарларнинг ўрнини қоплашини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини;

зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товонни тўлашини;

ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар кўришини.

Муаллиф ва ижрочи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот мулкий ҳуқуқларини бошқариш шундай ташкилот томонидан амалга ошириладиган шахсларнинг бузилган муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларини ҳимоя қилиб қонунда белгиланган тартибда ўз номидан ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш ёки уни тўхтатиш учун зарур чоралар кўриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарарлар, шунингдек бундай чораларни амалга оширган шахс кўрган зарарлар ҳуқуқбузар ҳисобидан ундириб олиниши керак.

66-модда. Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини мусодара қилиш

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг мусодара қилинган контрафакт нусхалари йўқ қилиниши керак, уларни ҳуқуқ эгасига унинг илтимосига биноан топшириш ҳоллари бундан мустасно.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

67-модда. Низоларни ҳал қилиш

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

68-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги 272–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 135-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 273–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 136-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 175–II-сонли Қонунининг 15-банди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда).

69-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради, давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

70-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши тартиби

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг аудиовизуал асарлар прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини назарда тутувчи 21-моддасининг иккинчи қисми ва 49-моддасининг иккинчи қисми қоидалари ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир йил ўтгач, амалга киритилади.

Асарлар, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларидан фойдаланиш учун ушбу Қонун кучга киргунига қадар тузилган шартномалар бундай шартномаларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар ўз кучида қолади ҳамда уларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг улар тузилган пайтда амалда бўлган қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июль,
ЎРҚ–42-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

261 Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 4 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 10 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **19-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок эта олмайди, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари бундан мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июль,
ЎРҚ-43-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 21 июлда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

262 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 июль,
ПФ-3771-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 7 июлдаги
ПФ-3771-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони 2-бандидаги:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи—ўн биринчи хатбошилари тегишли равишда тўртинчи—ўнинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони 1-бандининг биринчи хатбошидаги «ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи» сўзлари «ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон Фармонининг:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

а) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Белгилансинки, ягона солиқ тўлови харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокер фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларга татбиқ этилмайди. Улар учун ягона солиқ ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ҳамда белгиланган ставкалари сақланиб қолади.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чорақда ҳамда йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тўланиши белгилаб қўйилсин»;

б) Фармоннинг иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 6 сентябрдаги ПФ-3658-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

263 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сон Фармони 3-бандининг иккинчи хатбошисидаги «4641» ва «3791» рақамлари тегишли равишда «4666» ва «3816» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармони 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Солиқ ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жинойий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 июль,
ПФ-3772-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

264 2006—2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида

Иқтисодиётда хусусий мулк ролини оширишга, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларида давлат улушини тубдан қисқартиришга қаратилган иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, шунингдек корхоналарни ривожлантириш ва модернизациялашга тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

давлатнинг жойлаштирилмаган активлари тўлалигича хусусий мулк қилиб сотиладиган корхоналар ва объектлар рўйхати, 1-иловага* мувофиқ;

давлатнинг жойлаштирилмаган активлари 2006-2007 йилларда инвесторлар томонидан олинadиган инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилadиган корхоналар ва объектлар рўйхати, 2-иловага* мувофиқ;

устав жамғармасида жойлаштирилмаган давлат активлари (хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармаларига аввал берилганларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) 2006—2008 йиллар мобайнида Давлат тендер комиссияси қарори бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш билан хусусий мулк қилиб сотиладиган стратегик аҳамиятга эга корхоналар рўйхати, 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 1, 2 ва 3-иловаларга киритилган корхоналар, объектлар ҳамда давлатга қарашли бошқа активларни баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқласин ҳамда ўз вақтида ва тегишли равишда ўтказилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациялари Кенгаши ҳамда йирик корхоналар балансида берилadиган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари рўйхати, 4-иловага* мувофиқ;

мулки биржа савдоларида сотилган ҳолда тугатиладиган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари рўйхати, 5-иловага* мувофиқ.

Белгилансинки, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини балансдан балансга топшириш даромад (фойда) солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

4. Давлатнинг сафарбарлик ва стратегик захиралари моддий бойликларини сақлаш топшириқлари бириктирилган корхоналарнинг давлат акциялари пакетлари ва улушларини сотишда ушбу вазифаларни шартнома асосида бажариш мажбурияти хусусийлаштирилган корхоналар зиммасида сақланиб қолиши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси судларда, шу жумладан хўжалик судларида ўз зиммасидаги ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига 6-иловага** мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

* 1—5-иловалар берилмайди.

** 6-илова рус тилидаги матнда берилган.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 10 июль,
ПҚ-407-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

265 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида 2005 йил 19 январда Тошкент шаҳрида имзоланган фуқароларнинг ўзаро сафарлари ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июль,
ПҚ-410-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

266 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 4 августдаги 331-сонли қарорига қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортларида техник қўнишни амалга оширувчи чет эл ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали транзит ҳаракатини тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 4 августдаги 331-сонли қарорининг 1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур талаб Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортларида бортга йўловчиларни қабул қилиш ва (ёки) тушириш, товарлар ёки почта ортиш ва (ёки) тушириш назарда тутилмаган ёқилғи қуйиш, қутилмаган зарур таъмирлашни ўтказиш ёки авария ҳолатидаги қўнишни амалга оширувчи ҳаво кемаларига нисбатан тадбиқ этилмайди»;

— иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин. +

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июль
ПҚ-415-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

267 Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республиканинг дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ички бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, аҳолининг рақобатбардош маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 июлидан 2009 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган дори-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

дармонлар ва тиббиёт буюмлари, шунингдек улар томонидан ўзлари дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё ва материаллар қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

2. Ишлаб чиқарувчилар томонидан дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун четдан олиб келинадиган хом ашё ва материалларга бож тўловларини божхона расмийлаштирувидан кейин 60 кундан кечиктирмай тўлаш тартиби ўрнатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсанот» ДАК билан биргаликда бир ой муддатда, четдан олиб келинганида мазкур қарорда белгиланган имтиёзлар қўлланадиган хом ашё ва материаллар Рўйхатини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси четдан олиб келинганида мазкур қарорда белгиланган имтиёзлар қўлланадиган хом ашё ва материаллардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин.

Дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё ва материаллардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолатларда қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳамда хом ашё ва материалларни сотишдан тушган даромад қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли санкциялар жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда бюджетга ундириб олинади.

5. 2006 йил 1 июлдан бошлаб дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сонли қарорининг 1-бандида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган солиқ имтиёзлари татиқ этилсин.

6. «Ўзфармсанот» ДАК 2006 йилнинг 1 сентябригача «Ўзкимёсанот» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда дори-дармон ва тиббиёт буюмларини тайёрлашда фойдаланиладиган хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш комплекс дастурини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июль,
ПҚ-416-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

268 Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, кўрилаётган чораларга қарамай, таркибида рангли металллар бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди.

«Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари рангли металл парчаларини тўлиқ йиғиб олиш, темир-терсак топширувчилар билан шартномаларни ўз вақтида тузиш, уларни рағбатлантиришнинг таъсирчан тизимини жорий этиш бўйича зарур чораларни кўрмаяптилар.

Рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланишни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш, улар айланишини назорат қилишнинг тегишли тизими мавжуд эмас.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, рангли металлларнинг ноқонуний айланишига чек қўйиш, уларнинг фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қурилмаларидан ўғирланишининг олдини олиш, шунингдек рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиш тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш мақсадида:

1. «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари акциядорлари ҳамда қатнашчиларининг:

«Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини 1-иловага* мувофиқ қайта ташкил этиш ва уларнинг негизда «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятини ташкил қилиш;

«Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖнинг рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиш ва тайёрлаш пунктларини 2-иловага* мувофиқ, белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилансинки, «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ҳамда «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан жалб этилган кредитлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖнинг энг муҳим вазифалари ва функциялари деб ҳисоблансин:

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, республика истеъмолчиларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишларни ташкил қилиш;

мавжуд қайта ишлайдиган қувватларни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қурулантириш, рангли металлларни қайта ишлашнинг замонавий юксак самарали ускуна ва технологияларини татбиқ этиш;

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда уларни темир-терсак топширувчилардан қабул қилиш, шу жумладан рангли металл парчалари ва чиқиндилари мунтазам ҳосил бўлиб турадиган юридик шахслар билан фьючерс шартномаларини тузиш йўли билан тайёрлаш ва қабул қилишнинг аниқ-пухта тизимини ташкил қилиш;

топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндилари учун фақат юридик шахслар — темир-терсак топширувчилар томонидан темир-терсак ҳамда чиқиндилар топширилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисобкитоблар тизимини жорий этиш.

3. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ бошқарув ходимларининг чекланган сони 24 кишидан иборат бўлган бошқарув аппарати тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Бош директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланиши белгилаб қўйилсин.

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖга ҳудудларда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, қабул қилиш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналар, юк кўтариш ва транспорт воситалари билан жиҳозланган филиалларини юридик шахс тузмасдан ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

4. «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 4-иловага** мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия:

икки ҳафта муддатда «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Устав жамғармасини шакллантиришга, акциялар пакетининг 51 фоиз миқдорини давлатда сақлаб қолган ҳолда улушларни қатнашчилар ўртасида тақсимлашга, шунингдек Уставни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказишга кўмаклашсин;

бир ой муддатда «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари балансида бўлган мол-мулкни хатловдан ўтказсин ва ундан янада самарали фойдаланиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари айланиши борасида ўрнатилган тартибга риоя этилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда таркибда рангли металллар бўлган ускуналар, парча

* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 4-илова берилмайди.

ва чиқиндиларни яширинча қабул қилиш пунктлари фаолиятига ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатларига чек қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидалари бузилишнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар телевидение орқали мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда темир-терсак топширувчилар билан рангли металл парчалари ва чиқиндилари топширишни рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларига нарх белгилаш Тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ва улардан фойдаланиш бўйича статистик ҳисоботларнинг ҳар чорак шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда уни 2006 йилнинг 1 октябридан жорий этсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчиранглиметалл» ишлаб чиқариш бирлашмасини очиқ турдаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида» 1994 йил 24 мартдаги 160-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
ПҚ-419-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

269 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ–262-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ–262-сонли қарори 8-иловасининг 2-банди чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июль,
ПҚ–422-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

270 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги 74-сон қарори)

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги 74-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 июль,
133-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 7 июлдаги 133-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 30 октябрдаги 486-сон қарорининг 6-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзКейсагролизинг» Ўзбекистон—Америка қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил

27 февралдаги 111-сон қарорининг 4-банди «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» лизинг компаниясига татбиқ этилсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бурсел-Боғот текстиль» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги 466-сон қарорининг 7-бандидан «шунингдек маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технология жараёнида фойдаланиладиган сарфлаш материаллари» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вимм-Билль-Данн» компанияси иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 7 январдаги 8-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига 2-илованинг 2-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар хорижий инвесторлар томонидан ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва муддатсиз тусда бўлиши мумкин эмас».

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 7 июлдаги 133-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва унга Ҳукумат кафолатлари бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги 151-сон қарорининг 3-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалиги ва автомобиль машинасозлиги концерни ва «ДЭУ корпорейшн» компанияси томонидан Тошкентдаги «ЗЕНИТ» заводи негизида «ЎзДЭУ электроникс» қўшма корхонаси ташкил этилиши тўғрисида» 1992 йил 10 ноябрдаги 514-сон қарорининг 5-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси корхоналари, бирлашмалари, ташкилотларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида» 1994 йил 8 февралдаги 61-сон қарорининг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Амантайтау Голдфилдс» қўшма корхонасини ташкил этиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш масалалари тўғрисида» 1994 йил 22 сентябрдаги 477-сон қарорининг 5—7-бандлари.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўз-Тексако» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 23 декабрдаги 455-сон қарорига илованинг 1-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзКейсагролизинг» Ўзбекистон—Америка қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 27 февралдаги 111-сон қарори 4-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбоши, 5 ва 7-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Сахро олтини» Ўзбекистон—Канада қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 26 майдаги 255-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ангрен Голд Компани» қўшма корхонасини таш-

кил этиш ва унинг фаолияти шартлари тўғрисида» 1997 йил 19 августдаги 407-сон қарорининг 4, 6-бандлари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзКейссервис» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 4 сентябрдаги 423-сон қарорининг 5-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Амантайтау Голдфилдс» қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 11 июлдаги 266-сон қарорининг 6 ва 7-бандлари.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни болалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 9 январдаги 11-сон қарорининг 1-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «HALOL Establishment Ltd» хорижий корхонасига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш тўғрисида» 2003 йил 6 февралдаги 69-сон қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «AVLOD Establishment Ltd» хорижий корхонасига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш тўғрисида» 2003 йил 6 февралдаги 69-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида 2004 йил 12 мартдаги 122-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

272 Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 28 февралдаги ПҚ–294-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда аҳолига йўловчи ташиш транспорти билан транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июль,
138-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига
1-ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланиши керак.

Тижорат асосида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ҳамда Ҳукуматнинг қарорлари бўйича авария-кутқариш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ва мурувват юклари етказиб берилиши талаб этилиши билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

3. Лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар қуйидаги лицензияловчи органлар:

Ўзбекистон Республикасида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш фаолияти бўйича — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан;

йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш фаолияти бўйича (Тошкент шаҳрида йўловчиларни ташишдан ташқари) — Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Тошкент шаҳрида йўловчиларни ташиш фаолияти бўйича — Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Агентликда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссияси фаолияти Агентлик томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

4. Агентликка лицензияловчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, лицензиялаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги лицензияларнинг йиғма реестрини юритиш, лицензияловчи органлар томонидан автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ваколатлари юкланади.

5. Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг қуйидаги қисмларига берилади:

а) йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш;

б) йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш;

в) йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда ташиш;

г) йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш;

д) йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш;

е) йўловчиларни шаҳарда энгил автомобилларда ташиш;

ж) йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш;

з) йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш;

и) йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташиш;

к) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш;

л) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш;

м) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда ташиш;

н) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш;

о) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш;

п) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда ташиш;

р) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш;

с) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ташиш;

т) юкларни автомобиль транспортида шаҳар атрофида ташиш;

у) юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш;

ф) юкларни автомобиль транспортида халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

6. Лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

7. Лицензия билан бирга ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия карточкаси берилади.

Ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия карточкаси лицензиянинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Агар ашёвий ҳуқуқларнинг ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати лицензиянинг амал қилиш муддатидан кам бўлса, лицензия карточкасининг амал қилиш муддати ашёвий ҳуқуқлар

ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати билан чекланади. Лицензия карточкасининг амал қилиши лицензия карточкаси берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Лицензиатнинг лицензия карточкалари билан таъминланмаган автомобиль транспорти воситасидан фойдаланган ҳолда олган даромади (фойдаси) ноқонуний ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга олиб қўйилиши керак.

8. Қуйидагилар:

лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензияловчи орган қарорига биноан бериладиган лицензия билан биргаликда — биринчи лицензия карточкалари;

лицензия талабгорининг аризасига кўра автотранспорт воситалари ҳаракатдаги таркиби кўпайган тақдирда мавжуд лицензия асосида — қўшимча лицензия карточкалари;

лицензия талабгорининг лицензия карточкаларини қайта расмийлаштириш бўйича аризасига кўра мавжуд лицензия ва лицензия карточкалари асосида — қайта расмийлаштирилган лицензия карточкалари берилади;

лицензия талабгорининг аризасига кўра йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига — лицензия карточкаларининг дубликатлари берилади.

Ҳар бир ҳолатда ариза берувчи (лицензия талабгори ёки лицензиат) автотранспорт воситаларининг мулк ҳуқуқи, ашёвий ҳуқуқлар билан ёки ижара асосида тегишлилигини, шунингдек автотранспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга автотранспорт воситаларининг рўйхатини тақдим этади, дубликат бериш ҳолати бундан мустасно.

+

II. Лицензия талаблари ва шартлари

-

9. Қуйидагилар автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан автотранспорт воситаларидан фойдаланишда, уларни шайлашда қонун ҳужжатларига, ташиш қоидаларига мажбурий риоя қилиниши, йўл-транспорт ҳодисларининг олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши;

б) штатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган, тегишли лавозимни эгаллаш ҳуқуқи учун Агентлик томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжуд бўлиши;

в) лицензиат фойдаланаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаси мавжуд бўлиши;

г) автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтганлигини ва техник жиҳатдан созлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

д) автомобиль транспортида юк ташувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг ва юридик шахс ходимларининг автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташишларни амалга оширишда қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги;

е) қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли ташилиши;

ж) тендерлар натижалари бўйича, ваколатли органлар билан шартнома асосида, шу жумладан Тошкент шаҳрида — Департамент билан шартнома асосида йўловчиларни автомобилда мунтазам ташиш (линиядаги таксилардан ташқари);

з) ташиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш, автотранспорт воситасини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш, уни асраш, техник кўриқдан ўтказиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, автотранспорт воситаларини йўлга чиқишдан олдин техник кўриқдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;

и) янгидан олинаётган ва тўлдириляётган автотранспорт воситаларига лицензиялар томонидан қўшимча лицензия карточкаларининг ўз вақтида олинishi;

к) шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўналишда автомобилда ташишларни амалга ошираётган автотранспорт воситаларида сервис устахонасининг тамғаси қўйилган назорат приборлари (тахографлар) мавжуд бўлиши.

Лицензия битимида мазкур бандда санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс учун юк ташиш ҳуқуқига лицензия олишда — фамилияси, исми, отасининг исми, паспортга оид маълумотлар ва ҳайдовчилик гувоҳномаси; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахс учун юк ташиш ҳуқуқига лицензия олишда — яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) мавжуд автотранспорт воситаларининг мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотлари, шунингдек Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг тегишли бўлинмаси томонидан берилган автотранспорт воситасининг техник жиҳатдан соз эканлиги тўғрисида белги қўйилган автотранспорт воситаси техник паспортининг ёки автотранспорт воситалари гуруҳи техник кўрикдан ўтказилганлиги далолатномасининг нусхаси;

г) лицензия талабгориди ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ёхуд лицензия талабгорининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўрик ва техник кўрикдан ўтиш имконияти берилиши тўғрисидаги шартномаси нусхаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

д) юк ташиш ҳуқуқига лицензия олишда яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ходимлари малакасининг белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

е) юридик шахслар учун — юридик шахснинг йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларининг тегишли аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

ж) лицензия талабгори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензияловчи органга бевосита лицензия талабгори томонидан ёхуд улар олинганлигини тасдиқловчи билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун:

жисмоний шахслардан юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олиш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида;

ўнтагача автотранспорт воситасидан фойдаланувчи юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида, ўнта ва ундан ортиқ автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи юридик шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси тегишли равишда Агентлик ёки Департаментнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори ўз ҳужжатлари кўриб чиқилаётган даврда берилган аризадан воз кечган тақдирда йиғим қайтарилмайди.

14. Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

15. Лицензия ва лицензия карточкалари бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари намуналари тегишли равишда Агентлик ёки Департамент томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда уларнинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензия бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун лицензияловчи орган раҳбари жавоб беради.

16. Лицензия талабгорига автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қарор қабул қилингани тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни мобайнида хабардор қилади.

17. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензия лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади.

Лицензия лицензияловчи орган (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва лицензиатларга лицензияловчи орган томонидан берилади.

18. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунинг-

дек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Бунда лицензия беришни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этиш учун лицензия талабгорига 15 кун муддат берилади.

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг рад этиш сабаблари бартараф этилгани тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар олинган кундан бошлаб беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқишда лицензияловчи орган томонидан ариза берувчига илгари ёзма равишда баён қилинмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган рад этиш сабабларини кўрсатиш бундан мустасно.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензия битимлари, лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битимлари лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ҳамда уларда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реқвизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг (ёки фаолият тури қисмларининг) номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилиши устидан лицензияловчи органнинг назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

23. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни таъсис ҳужжатларига киритилган рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани илова

қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида лицензияловчи органга ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти кун муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида лицензияловчи органга ариза бериши шарт.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг тўртдан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензиат томонидан лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлгунгача икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензияловчи орган лицензия дубликатини тегишли ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида бериши керак.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг тўртдан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузади;

аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд уларни бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқаради ва/ёки судга мурожаат қилади;

автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юборади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Бунда лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилиш муддатини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради. Лицензиянинг амал қилиш муддатини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш лицензияловчи органнинг аризасига кўра суд томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор суд ёки лицензияловчи орган томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган (чиқарилган) кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг лицензиат томонидан бартараф этиш муддати кўрсатилган ҳолда етказилади.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат томонидан бартараф этилган тақдирда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турган лицензияловчи орган ёки ўзининг аризасига кўра лицензиянинг амал қилиши суд томонидан тўхтатиб турилган орган кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бартараф этилгани тўғрисидаги тасдиқнома олинган кундан бошлаб беш иш кунини мобайнида унинг амал қилишини тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Лицензияловчи орган ёки суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор лицензияловчи орган томонидан қуйидаги ҳолларда:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

юрidik шахс тугатилганда — тугатилган вақтдан бошлаб ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тўхтатилганда — қайта ташкил этиш вақтидан бошлаб, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг —

лицензиатнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилганда;

автомобиль транспортида шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг — лицензиатнинг ҳуқуқий муомалага лаёқатлиги чекланганда ёки у ҳуқуқий муомалага лаёқатли эмас деб эътироф этилганда;

лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда қабул қилинади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор фақат суд томонидан қўйидаги ҳолларда:

лицензия талаблари ва шартлари бир йил мобайнида лицензиат томонидан икки ва ундан кўп марта бузилганда, агар ушбу бузилишлар фуқароларнинг ҳуқуқларига, қонуний манфаатларига ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлганда;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензияловчи орган ёки суд белгиланган муддатда лицензиат томонидан бартараф этилмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганда қабул қилинади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор суд ёки лицензияловчи орган томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарорни пухта асослаган ҳолда қарор қабул қилинган (чиқарилган) санадан бошлаб беш кундан кечикмай етказилади. Лицензиянинг амал қилиши уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади.

Лицензияловчи орган ёки суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда фақат суд орқали амалга оширилади.

Бунда лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор ушбу қарорни қабул қилган суд томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарорни пухта асослаган ҳолда унинг қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади.

Бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензия берилган санадан бошлаб амал қилади.

Лицензияни бекор қилишда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

VIII. Лицензиялар реестри

31. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади. Лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс — якка тартибдаги тадбиркор — автомобиль транспортида юк ташишни амалга ошириш бўйича лицензиат учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узай-

тириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликатлар беришнинг асослари ва санаси.

32. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида лицензияловчи органга ҳақ тўлаб олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўртдан бир қисми миқдоридagi тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан маълумотлар бепул берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби


33. Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишга лицензиялар берилганлиги ва уларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади.

Автотранспорт воситалари сони тўлдирилган (кўпайтирилган) тақдирда давлат божи ҳар бир лицензия карточкаси учун қўшимча равишда ундирилади.

Лицензиялар берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, унинг 75 фоизи республика бюджетига йўналтирилади, қолган маблағлардан лицензияловчи орган томонидан, белгиланган тартибда шаҳарда йўловчилар ташишни ривожлантиришда фойдаланилади, маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган сметага мувофиқ лицензияловчи орган таъминотига сарфланадиган қисми бундан мустасно.

Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига
2-ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи миқдорлари

Фаолият турлари ва фаолият турининг қисмлари	Бож миқдори (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан шунча баравар)
Йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш (1 та транспорт воситаси ҳисобига)	200,0
<i>шу жумладан лицензияланадиган фаолият турининг қисмлари:</i>	
а) йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	7,5
б) йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	25,0
в) йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	30,0
г) йўловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	0,9
д) йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	4,5
е) йўловчиларни шаҳарда энгил автомобилларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	5,0
ж) йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	0,9
з) йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	4,5
и) йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	5,0
к) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	2,5
л) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	10,0
м) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	12,0
н) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	4,5
о) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	12,0
п) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда ташиш (ҳар бир ўриндиқ ҳисобига)	15,0

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Фаолият турлари ва фаолият турининг қисмлари	Бож миқдори (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиғига нисбатан шунча баравар)
р) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш (ҳар бир юк кўтариш бирлиги ҳисобига)	22,0
с) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ташиш (ҳар бир юк кўтариш бирлиги ҳисобига)	2,5
т) юкларни автомобиль транспортида шаҳар атрофида ташиш (ҳар бир юк кўтариш бирлиги ҳисобига)	2,5
у) юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш (ҳар бир юк кўтариш бирлиги ҳисобига)	7,5
ф) юкларни автомобиль транспортида халқаро йўналишлар бўйича ташиш (ҳар бир юк кўтариш бирлиги ҳисобига)	10,0

Изоҳ: Давлат божининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг давлат божини тўлаш кунда белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда беш йилга белгиланган. Давлат божи ҳар йили, лицензиянинг амал қилиш даврида тенг улушларда тўланиши мумкин. Бунда навбатдаги ҳар йилги тўлов лицензиядан фойдаланишнинг навбатдаги йили бошлангунгача 30 кундан кечикмай тўланади. Навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда) 1-бандининг олтинчи хатбоши, шунингдек 5-илова, қарорга 7-илованинг 3-бўлими ва изоҳларининг иккинчи—тўртинчи хатбоши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 6-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 2-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илова 25-бандининг «ё» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**273 Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк ва пул маблағларининг ҳисобини юритишни такомиллаштириш ва уларнинг айланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Тергов, суриштириш ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича олиб қўйиладиган ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 июль,
139-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 18 июлдаги 139-сон қарорига
ИЛОВА

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 5-бандга қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Миллий ёки хорижий валютадаги олиб қўйилган нақд пул маблағлари (ашёвий далиллар сифатида эътироф этилган пул маблағлари бундан истисно) уни олиб қўйган органнинг миллий ёки хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун уч кун муддатда банкка топширилиши керак. Бунда кўрсатиб ўтилган талаб қилиб олинadиган махсус депозит ҳисоб рақамларидан пул маблағлари фақат суд ижрочилари тегишли бўлинмаларининг мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ очиладиган махсус ҳисоб рақамларига ўтказиш учун,

шунингдек мазкур Низомнинг 57-бандида назарда тутилган ҳолларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни эгаларига қайтариш учун ҳисобдан чиқарилади»;

тўртинчи—олтинчи хатбоши бешинчи—еттинчи хатбоши ҳисоблансин.

2. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Чеклар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари), жамғарма омонатлари, пул-буюм лотереялари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилади.

Акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фонд биржаси орқали сотилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харажат операциялари тўхтатиб қўйилган банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари суд ижрочилари тегишли бўлинмаларининг мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ очиладиган махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади. Бунда банк ҳисоб рақамларидаги хорижий валютадаги пул маблағлари кўрсатиб ўтилган банк ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига сотиш кундаги курс бўйича сотилади, кейинчалик миллий валютага конвертация қилинган пул маблағлари суд ижрочилари тегишли бўлинмаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади».

3. 53-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Кўрсатиб ўтилган махсус ҳисоб рақамига, шунингдек пул маблағларини олиб қўйган органнинг талаб қилиб олинadиган махсус депозит ҳисоб рақамларида турган ва давлат даромадига ўтказиладиган пул маблағлари ўтказилади. Бунда талаб қилиб олинadиган махсус депозит ҳисоб рақамларида турган хорижий валютадаги пул маблағлари пул маблағларини олиб қўйган органнинг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатадиган тижорат банкига сотиш кундаги курс бўйича сотилади, кейинчалик миллий валютага конвертация қилинган пул маблағлари суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари махсус ҳисоб рақамига ўтказилади»;

иккинчи—тўққизинчи хатбоши учинчи—ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

274 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш тўғрисида» 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш

тўғрисида» 2006 йил 9 июндаги ПФ–3761-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 2-ило-ванинг III бўлимида:

а) бўлимнинг номидаги «ва тариф коэффициентлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8—10, 12, 13-бандлардаги жадваллардан «Тариф коэффициенти» устуни чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 2 июлдаги 309-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2005 йил 25 октябрдаги 237-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июль,
144-сон

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

275 Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномага қўшимча кириштиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 7 июлда 1560-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 17 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 177-модда) ижро этиш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 9 мартдаги 28-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқнома»га (2006 йил 10 апрель, рўйхат рақами 1560 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 15-сон, 129-модда) иловага* мувофиқ қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 19 июнь,
56-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

276 Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
10 июлда 1102-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 20 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-сон Фармониға мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 31 январдаги 29 ва 2002-27-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаға (2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1102 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон; 2003 йил, 1-2-сонлар; Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 7-сон, 87-модда; 2005 йил 5-6-сонлар, 44-модда) иловаға* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучға киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 июнь,
48-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 июнь,
2006-29-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

277 Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
10 июлда 305-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 20 июлдан кучга киради)

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш бўйича Йўриқномага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги ПҚ-303-сонли қароридан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиш ҳамда Адлия вазирлигининг 2006 йил 3 майдаги 20-03-08/22-сонли тақдимномасини бажариш мақсадида Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Ўзистикболстат» давлат қўмитасининг 1996 йил 7 октябрдаги 14-сонли қарори билан тасдиқланган аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш бўйича Йўриқномага (1997 йил 5 февраль, рўйхат рақами 305) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Давлат статистика қўмитаси раиси Ф. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 май,
2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

278 Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
11 июлда 1446-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 21 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 161-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги ПҚ-374-сонли «Ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 23-сон, 206-модда) қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

— 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги 3 ва 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1446 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 37-модда; 39-сон, 300-модда; 2006 йил, 6-7-сон, 44-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 июль,
64-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 июль,
2006-31-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BOШ PROKYPOPPРИНИНГ
БУЙРУФИ**279** Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
11 июлда 1231-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 21 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 11 декабрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга (2003 йил 4 апрель, рўйхат рақами 1231) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғига юклатилсин.

Бош прокурор Р. ҚОДИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 26 июнь,
61-сон

Бош прокурорнинг
2006 йил 26 июндаги 61-сонли буйруғига
ИЛЮВА

**Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар,
тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун
бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош
прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга
қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Низом номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Валюта назоратини амалга оширувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом»

2. 1-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Мазкур Низом билан белгиланган тартибда қуйида кўрсатилган валюта назоратини амалга оширувчи органлар ҳамда ўз фаолиятида валютага оид қонунбузарликларга қарши курашувчи вазирлик ва идоралар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига (кейинги ўринларда — Департамент) валютага оид қонун бузилишлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш вазифаси юклатилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

Молия вазирлиги;

Давлат солиқ қўмитаси;

умумий юрисдикция судлари;

Прокуратура органлари;

Миллий ҳавфсизлик хизмати;

Ички ишлар вазирлиги;

Давлат божхона қўмитаси;

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.

3. 2-банд бўйича:

биринчи хатбошида «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар» сўзларидан кейинги «агентлар» сўзи чиқариб ташлансин.

Иккинчи ва учинчи хатбошиларда «прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш» сўзлари «солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш» сўзларига алмаштирилсин.

4. 3, 7 ва 8-бандларда «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар» сўзларидан кейинги «агентлар» сўзи чиқариб ташлансин.

5. 9-бандда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин ҳамда «ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат

солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган.

Олий суд раиси в/б Н. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июнь

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июнь

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июнь

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь

+

Молия вазири Р. АЗИМОВ

-

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 июнь

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо
вазири в.б. Н. НАЖИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 июнь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУФИ**280** Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан содда-лаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (20-сонли БҲМС)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
11 июлда 879-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 21 июлдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 23 ноябрда 87-сон билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан содда-лаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС)нинг (2000 йил 24 январь, рўйхат рақами 879) 1.1. бандидаги «ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан тасдиқланган Кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими ни қўллаш тартибининг 6-бандига» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июнь,
51-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

281 Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тушуми бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1594-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 27 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 16-сон, 133-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тушуми бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июнь,
54-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 июнь,
2006-28-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZIRINING
БУЙРУФИ**282** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
17 июлда 1595-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 27 июлдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар» (янги таҳрири) иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда 44-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар» (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 486 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 5-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 14 ноябрдаги 132-сонли «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралари»га қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (2002 йил 20 ноябрь, рўйхат рақами 486-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 22-сон).

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 июнь,
52-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

283 Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш
органлари, синов (ўлчаш) лабораторияларини (марказ-
ларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари-
ни аккредитация қилиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
17 июлда 1596-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 27 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомига асосан **буюраман:**

1. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини аккредитация қилиш Қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон давлат стандарти О"zDSt16.1 «ЎзР АТ. Сертификатлаштириш идоралари ва текшириш идораларини аккредитлашни ўтказиш тартиби» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги Бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 10 май,
157-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

284 Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
19 июлда 1597-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 29 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Иловадаги* «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидалари» тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсин.

3. Мазкур қоидаларга риоя қилинишининг назорати Департамент бошлиғининг ўринбосари — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг зиммасига юклатилсин.

Департамент бошлиғи Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 19 июнь,
517-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

285 Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини Давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
19 июлда 1148-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 29 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 179-модда), 2004 йил 12 августдаги 387-сонли «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 366-модда), 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 395-модда), 2005 йил 19 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–183-сонли «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 304-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг 2002 йил 31 майдаги 63, 02/8-14, 2261-сонли қарори билан тасдиқланган «Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини Давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2002 йил 10 июнь, рўйхат рақами 1148 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 11-12 ва 15-16-сонлар) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июнь,
50-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НАСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июнь,
01-02/8-8-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири
в.б. Н. НАЖИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 июнь,
НН-01/10-3424-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

286 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 июлда 1122-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 29 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг 10 кундан кейин кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 июнь,
13/8-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 15 июндаги 13/8-сонли қарорига
ИЛЮВА

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбошиси билан тўлдирилсин:
«Банклар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни бажаришни рад этишга ҳақлидир».
2. 41-банд «а» кичик бандидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан кейин «бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

287 Банк кассаларидаги нақд пул қодиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
21 июлда 1598-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 31 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Банк кассаларидаги нақд пул қодиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 июль,
16/7-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 14 июлдаги 16/7-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар
белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар ўрнатиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиб-қоидаларини белгилаб беради.

I. Умумий тушунчалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунча ва терминлардан фойдаланилади:
Максимал лимит — Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-касса марказлари ҳамда тижорат банклари ва уларнинг филиаллари айланма кассаларида кун охирида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғининг энг юқори чегарасини белгилайдиган меъёрдир.

Минимал лимит — тижорат банклари ва уларнинг филиалларида нақд пул захирасига ўрнатиладиган меъёр бўлиб, унинг қуйи чегараси — банк кассаларидан қилинадиган ўртача бир кунлик нақд пулдаги чиқимлар доирасида белгиланади.

Махсус дастур — банк кассаларига нақд пул қолдиқлари бўйича ўрнатилган лимитларга риоя этилишини кунлик мониторинг қилиш ва назоратга олиш мақсадида Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган дастур.

**II. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар
ўрнатиш тартиби**

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи ҳар бир тижорат банки (филиали) айланма кассаларига ва нақд пуллар захирасига ҳамда Марказий банкнинг ҳар бир ҳудудий Бош бошқармасидаги айланма кассаларга ва нақд пулларнинг захира фондларига нақд пуллар қолдиқлари бўйича лимитлар белгиланиши шарт.

3. Банклар айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдиғининг максимал лимитлари ва нақд пуллар захирасининг минимал лимитлари — Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари (кейинги матнларда — МБ ҲББ) томонидан тижорат банки билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

Айланма кассадаги нақд пуллар қолдиғига лимит — кун охирида банк айланма кассасида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғи суммасига нисбатан ўрнатилади ва у тижорат банклари томонидан МБ ҲББларига тақдим этиладиган ҳисоб-китоб асосида ўрнатилади.

4. Валюта айирбошлаш шохобчаси кассирларига ҳисобдорлик шарти билан бе-

рилган нақд пуллар суммаси — банк бўлими айланма кассаси қолдигига ўрнатилган лимит суммасига киритилмайди.

5. МБ ҲББ айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдигига ва нақд пуллар захира фондларига лимитлар — Марказий банк томонидан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда белгиланади ва лозим бўлган тақдирда ўзгартирилади.

6. Кун охирига айланма кассада қолаётган нақд қоғоз пуллар ва тангалар қолдиқ суммаси — банк айланма кассаси қолдигига ўрнатилган лимитдан ошмаслиги лозим.

Банклар айланма кассалари учун белгиланган лимитдан ортиқча пуллар, нақд пуллар захирасига, Ҳисоб-китоб касса маркази айланма кассасидаги лимитдан ортиқча пуллар эса нақд пуллар захира фондига шу куни ўтказилиши шарт.

7. Тижорат банклари (филиаллари) ўзларининг нақд пуллар захирасини, зарурат бўйича ихтиёрий тарзда тасарруф этадилар.

Марказий банкнинг ҲББда ташкил этилган нақд пулларнинг захира фондлари — фақат Республика Марказий банки томонидан берилган рухсатнома асосида, рухсатномада белгиланган сумма доирасидагина чиқим қилиниши мумкин.

8. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар ўрнатиш, уларни ўзгартириш ва унга риоя этилишига доир барча ёзишма, топшириқ ва кўрсатмалар фақат биринчи бошқарма орқали юборилади.

9. Марказий банк ва МБ ҲББ нақд пуллар оқими, ҳаракати, банк кассалари орқали кирим-чиқими, нақд пул қолдиқлари бўйича ўрнатилган лимитларга риоя этилиши ҳамда нақд пулдаги ҳисоб-китобларнинг ҳолати бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, шунингдек, муомаладаги нақд пуллардан оқилона фойдаланиш мақсадида нақд пулларни ҳудудлар ва тижорат банклари (филиаллари) ўртасида қайта тақсимлайдилар.

III. Банк кассаларидаги нақд пуллар қолдиқларига белгиланган лимитларга риоя этилишини назорат қилиш

10. Банк кассаларидаги нақд пуллар қолдиқларига белгиланган лимитларга риоя этилиши Марказий банкнинг Пул муомаласи департаменти томонидан махсус дастур орқали назорат қилинади.

Белгиланган лимитларга риоя этилишини мониторинги ва назорати МБ ҲББ ва ҳар бир тижорат банки (филиали) бўйича олиб борилади.

11. Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига ўрнатилган лимитларга доир маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунида белгиланган талабларга қатъий риоя этилиши лозим.

12. Тижорат банклари (филиаллари) ҳар ойда бир марта, кейинги ойнинг иккинчи иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, МБ ҲББга касса қолдиқларига ўрнатилган лимитларга ҳисобот оyi давомида риоя этилиши бўйича белгиланган шаклда ҳисобот бериб борадилар.

МБ ҲББ ўз навбатида, кейинги ойнинг бешинчи санасигача ўз ҳудудларидаги тижорат банклари (филиаллари) томонидан ўрнатилган касса қолдиғи лимитларига ҳисобот оyi давомида риоя этилиши бўйича умумлашган маълумотларни Республика Марказий банкига тақдим этадилар.

13. Махсус дастур ёрдамида ва жорий этилган ҳисобот бўйича тўпланган маълумотлар таҳлили асосида банк кассаларига ўрнатилган лимитларга риоя этилиши

ҳолати бўйича умумлаштирилган маълумотлар Марказий банк раҳбариятига тақдим этиб борилади.

14. Банк кассаларига ўрнатилган лимитларга риоя этилишини таъминламаган тижорат банклари (филиаллари) раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

-

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 8 июлдан 21 июлгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномага қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 19 июндаги 56-сон қарори.*

2006 йил 7 июлда 1560-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 17 июлдан кучга киради).

2. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 8 июндаги 48, 29 -сон қарори.*

2006 йил 10 июлда 1102-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 июлдан кучга киради).

3. «Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2006 йил 22 майдаги 2-сонли қарори.*

2006 йил 10 июлда 305-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 июлдан кучга киради).

4. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 64, 2006-31-сонли қарори.*

2006 йил 11 июлда 1446-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 июлдан кучга киради).

5. «Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 26 июндаги 61-сон буйруғи.*

2006 йил 11 июлда 1231-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 июлдан кучга киради).

6. «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия

ҳисоби Миллий стандарти (20-сонли БХМС)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 14 июндаги 51-сон буйруғи.*

2006 йил 11 июлда 879-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 июлдан кучга киради).

7. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тушуми бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 20 июндаги 54, 2006-28-сон қарори.*

2006 йил 17 июлда 1594-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 27 июлдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (4-сонли БХМС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи.*

2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 27 июлдан кучга киради).

9. «Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини аккредитация қилиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 10 майдаги 157-сон буйруғи.*

2006 йил 17 июлда 1596-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 27 июлдан кучга киради).

10. «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг 2006 йил 19 июндаги 517-сон буйруғи.*

2006 йил 19 июлда 1597-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 29 июлдан кучга киради).

11. «Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини Давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг 2006 йил 12 июндаги 50, 01-02/8—8, НН-01/10-3424-сонли қарори.*

2006 йил 19 июлда 1148-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 29 июлдан кучга киради).

12. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15-июнь 13/8-сонли қарори.*

2006 йил 19 июлда 1122-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 29 июлдан кучга киради).

13. «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга

риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14-июль 16/7-сонли қарори.*

2006 йил 21 июлда 1598-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 31 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 4-сон) «Товар моддий захиралар» ва 1-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 486; 2002 йил 20 ноябрь, рўйхат рақами 486-1).*

Адлия вазирининг 2006 йил 17 июлдаги 114-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Республикасининг «**Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Қонуни-**нинг** (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 27-сон, 245-модда) **1-модда ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда ўқилсин:

«белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари технологиялари сифатининг давлат стандартларига, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;»

—

+